



ON THE HISTORICAL-TOPONYMIC DICTIONARY OF TASHKENT CITY

Khayria A. Burieva

DSc (History)

Coordination and Methodological Center for the Contemporary History of Uzbekistan at the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: toponym, etymology, Tashkent, names of places, meaning of the word, quarter, gate, river, street.

Received: 24.02.26

Accepted: 25.02.26

Published: 26.02.26

Abstract: The article is devoted to the etymology of the name of the city of Tashkent and some historical places. Information about historical objects located on its territory during the period from the end of the 19th to the beginning of the 20th centuries is provided on the basis of information from written sources. The information provided is systematized in the form of a brief historical and toponymic dictionary.

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ ТАРИХИЙ-ТОПОНИМИК ЛУҒАТИГА ДОИР

Хайрия А. Буриева

Тарих фанлари доктори, доцент

ЎЗР ФА Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича

Мувофиқлаштирувчи-методик марказ катта илмий

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: топоним, этимология, Тошкент, шаҳар жой номлари, сўзнинг маъноси, даҳа, дарвоза, ариқ, кўча.

Аннотация: Мақола Тошкент шаҳрининг номи ва ундаги айрим тарихий жой номлари этимологиясига бағишланган. Тошкент шаҳар ҳудудида XIX аср охири – XX аср бошларида мавжуд айрим тарихий объектларнинг номларининг келиб чиқишига оид ахборот ёзма манбалар асосида келтирилган. Маълумотлар қисқача тарихий-топонимик луғатга оид шаклда тизимлаштирилган.

К ИСТОРИКО-ТОПОНИМИЧЕСКОМУ СЛОВАРЮ ГОРОДА ТАШКЕНТА

Хайрия А. Буриева

Доктор исторических наук, доцент

старший научный сотрудник Координационно-методического центра по вопросам новейшей истории Узбекистана при АН РУз

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова:	Аннотация:
топоним, этимология, Ташкент, местности, значение слова, квартал, ворота, река, улица.	Статья посвящена этимологии названия города Ташкента и некоторых исторических местностей. Данные об исторических объектах, находившихся на его территории в период с конца XIX – начала XX вв., даны на основании сведений письменных источников. Приведенная информация систематизирована в форме краткого историко-топонимического словаря.

Кириш. Тошкент шаҳри Ўрта Осиёдаги қадимги шаҳарлардан саналиб, барча тарихий даврларда сиёсий-стратегик, иқтисодий-ижтимоий ва маданий-маънавий жиҳатдан ўлка аҳолиси ҳаётида алоҳида ўринга эга бўлган. Буюк Ипак йўлининг асосий тармоқлари кесишган ерда жойлашганган бу масканнинг тараққий этишига унинг турли ерлар билан бўлган алоқалари бевосита ва билвосита таъсир кўрсатган. Ушбу жараён шаҳарнинг топографияси ва топонимиясида ҳам акс этган. Жумладан, тарихий даврлар мобайнида Тошкент худудида пайдо бўлган жой номлари шаҳарнинг табиий ҳолати, сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёти билан боғлиқ бўлган. Тошкент шаҳар жой номларига оид маълумотлар унинг тарихий-топонимик луғатини тузишда асосий восита ҳисобланади. Топонимлар этимологияси жойнинг тарихи, унинг номланишининг келиб чиқиши, турли даврлардаги жой номининг шакллари маъносини тушуниш каби ахборотни ўз ичига олади. Пойтахт топонимларининг этимологик таҳлили натижалари Тошкент ва умуман Ўзбекистон тарихининг турли даврларига ойдинлик киритишда ёрдам беради. Қуйидаги мақолада Тошкент шаҳрининг номланиши ва ундаги айрим объектларнинг номлари этимологиясига доир маълумотларни тақдим этиш мақсад қилиб белгиланган.

Методлар: Мазкур мақолада Тошкент шаҳар жой номларига оид тарихий топонимик маълумотларни тўплашда семантик ва лингвистик таҳлил, топонимик таснифлаш, манбаларни тўплаш ва тавсифлаш, маълумотларни синтезлаш, ретроспектив тадқиқ этиш, илмий умумлаштириш услубларидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари: Тошкент шаҳар – Ўзбекистон Республикаси пойтахти; майдони 334,8 кв.км.га тенг, аҳолиси 3 112 700 (1924 й.) кишини ташкил этади.

Тошкент замонавий даврда жаҳоннинг Осиё минтақасидаги йирик маданият, санъат, фан, техника, саноат, савдо марказларидан бири, бой тарихга эга бўлган шаҳар сифатида танилган. Археологик тадқиқотлар натижасида унинг ёши 2200 йил деб белгиланди. Узок тарихий тараққиёти давомида Тошкент қадимги даврлардан бошлаб то ҳозирги замонга қадар Марказий Осиё ҳудудидаги йирик шаҳарлардан бири бўлиб, Шош вилояти маркази, Қанғ давлати пойтахти, Турк хоқонлигидаги йирик савдо маркази, Араб халифалиги даврида маърифат ўчоқларидан бири, Чиғатой улусидаги муҳим ҳунармандчилик ва савдо шаҳри, Темурийлар давридаги стратегик аҳамиятга эга бўлган ва маданий ҳаётда алоҳида ўрин эгаллаган, хонликлар даврида Тошкент беклигининг маркази, кейинги асрларда Туркистон генерал-губернаторлиги маркази, собиқ Советлар давлати таркибидаги республика пойтахти вазифасини ўтаб, бугунги кунда суверен Ўзбекистон давлатининг пойтахти мақомига эришган. Узок тарихий жараёнлар давомида Тошкентнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаётида мунтазам ўзгаришлар рўй бериб, улар шаҳарнинг топографик ҳамда топонимик ҳолатларида маълум из қолдирган. Табиийки, турли ўзгаришлар ўлканинг бошқа қисмлари тарихий ривожланишига ўз таъсирини ўтказган. Шу нуқтаи назардан Тошкент шаҳрининг ўтмиши билан боғлиқ илмий изланишлар Ўзбекистон тарихини ёритишда қимматли маълумотларни беради.

Мустақиллик даврида Ватанимиз пойтахти Тошкент шаҳри тарихига бўлган ёндашувлар кўлами кенгайиб, унинг ўтмиши, бугунги кун тараққиёти ва истиқболи билан боғлиқ масалалар турли соҳа мутахассислари томонидан тадқиқ этиб келинмоқда. Жумладан, жой номлари тарихини ўрганиш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Зеро, топонимлар маълум ҳудуднинг сиёсий, маданий, иқтисодий тарихий тараққиётини ўзида акс этади. Шаҳарнинг турли тарихий даврлардаги воқеликлари маълум тарзда жой номларига таъсир кўрсатиб, алоҳида топонимик қатламларнинг шаклланишига сабаб бўлган. Тилшунослик жиҳатидан Тошкент топонимлари таркибида суғдий, туркий, форс-араб, русийзабон, аралаш топонимик гуруҳлар вужудга келган. Тарихий нуқтаи назардан эса, уларни турли даврлар – қадимий, ўрта асрлар, хонликлар, мустамлакачилик, собиқ советлар, мустақиллик даврлари топонимларига ажратиш мумкин. Ҳар бир тарихий даврга оид топонимларни тадқиқ этиш натижасида ушбу даврнинг тарихий топонимик киёфасини яратилади ва шу билан бирга шаҳарнинг тарихига ойдинлик киритилади.

Тошкент атамасининг этимологияси чуқур тарихга эга бўлиб, олимлар бу хусусда ягона фикрга ҳозиргача тўхталмаганларини қайд этиш лозим. “Тошкент” топоними маъноси билан боғлиқ учта фикр замонавий тарих фанида кенг тарқалган бўлиб, биринчисига кўра бу ном “Тошшаҳар”, яъни тошдан қурилган иморатлари кўп шаҳар,

дегани; сабаби – милоддан аввалги даврда шаҳар жойлашган ҳудуд тошли тоғлар орасида бўлган ва аҳоли ўртасида тош асосий қурилиш ашёси саналиб, ўлкада мавжуд қалъа ва деворларни бунёд этишда ундан кенг фойдаланилган. Иккинчи фикрга кўра ушбу топоним “Тошқалъа” деб таржима қилинади; бу ҳақида юнон манбаларидаги шаҳарнинг Ташкура – тошдан қурилган қалъа, деб аталиши далолат беради. Учинчи фикр нисбатан кечроқ, аниқроғи XX асрда шаклланган бўлиб, айрим қадимшунос олимлар томонидан илгари сурилди ва унгу кўра Тошкент номи “қимматбаҳо тош ўлкаси” деб изоҳланди; ушбу мутахассислар Тошкент воҳаси ҳудудидан қадимги даврларда қимматбаҳо ложувард тоши қазиб олингани ва Буюк Ипак йўли орқали у халқаро савдога чиқарилиб, шаҳар шу ном билан машҳур бўлган, деб ҳисоблайдилар. Мазкур учта ёндашувнинг умумий томони шундаки, улар Тошкент сўзи “тошли ўлка” маъносига яқинлигини маъқуллайдилар, яъни “Тошкент” топоними “Тошшаҳар” маъносини ан “Тошкент” топоними маъноси билан боғлиқ учта фикр замонавий тарих фанида кенг тарқалган бўлиб, биринчисига кўра бу ном “Тошшаҳар”, яъни тошдан қурилган иморатлари кўп шаҳар, дегани; сабаби – милоддан аввалги даврда шаҳар жойлашган ҳудуд тошли тоғлар орасида бўлган ва аҳоли ўртасида тош асосий қурилиш ашёси саналиб, ўлкада мавжуд қалъа ва деворларни бунёд этишда ундан кенг фойдаланилган. Иккинчи фикрга кўра ушбу топоним “Тошқалъа” деб таржима қилинади; бу ҳақида юнон манбаларидаги шаҳарнинг Ташкура – тошдан қурилган қалъа, деб аталиши далолат беради. Учинчи фикр нисбатан кечроқ, аниқроғи XX асрда шаклланган бўлиб, айрим қадимшунос олимлар томонидан илгари сурилди ва унгу кўра Тошкент номи “қимматбаҳо тош ўлкаси” деб изоҳланди; ушбу мутахассислар Тошкент воҳаси ҳудудидан қадимги даврларда қимматбаҳо ложувард тоши қазиб олингани ва Буюк Ипак йўли орқали у халқаро савдога чиқарилиб, шаҳар шу ном билан машҳур бўлган, деб ҳисоблайдилар. Мазкур учта ёндашувнинг умумий томони шундаки, улар Тошкент сўзи “тошли ўлка” маъносига яқинлигини маъқуллайдилар, яъни “Тошкент” топоними “Тошшаҳар” маъносини англатади.

Тошкент Ўрта Осиёнинг қадимий шаҳарларидан саналади. Шу сабабдан шаҳар топонимияси анча қадимий, ўрта асрлар ва ундан кейинги давр манбаларида қайд этилган. Фанда мавжуд дастлабки топонимик маълумот шаҳар номи этимологияси билан боғлиқ. Қадимий Хитой солномаларида Тошкент хитойча Лоюени, Юни, Чже-ши, Чже-чжи, Чже-си ва Ши номлари билан тилга олинган. Милоддан аввалги II асрга оид Хитой солномасида ҳозирги Тошкентнинг бир қисмига тўғри келадиган ҳудуд Юни деб кўрсатилган; кейинроқ шу жой Чже-ши, Ши шаклларида ёзилгани ҳам маълум. Ши, Чже-чжи ва Чже-ши Хань сулоласи даври (мил.ав.206 й.– мил.25 й.) солномаларида Даван

(Фарғона)нинг шимолига чегарадош жой; унинг айланаси 1000 ли (500 км.), хукмдори Ши, қароргоҳи Чжеси шаҳрида жойлашган, одамлари моҳир жангчи; бедов отлари бор, дейилган. Милодий III асрга тегишли хитой солномасида ҳам юқоридагиларни қисман қайтарувчи маълумот бор: “Ши хукмдори Яоша бўйида яшайди, Қароргоҳи айланасига 10 ли (5 км.). Хукмдор Ши деб аталади; исми Не... Бу ерда буғдой ва арпа етиштирилади. Яхши отлар кўп. Одамлари моҳир жангчилар...”. Мазкур манбаларда ҳозирги Тошкентнинг ўрни Ши ҳудудига кирганлиги таъкидланган. “Ши” сўзини ифодаловчи хитойча белги (иероглиф) “тош” деган маънони англатади. Айни пайтда, шаҳарнинг суғдча “Чоч” деган номи ҳам “тош” маъносини билдиради. Демак, хитой манбаларида учрайдиган “ши” сўзи суғдча “чоч” атамасининг калькаси, дейиш мумкин.

“Чоч” топоними ёзма шаклда илк бор сосоний подшоҳ Шопурнинг фармонида кўра “Зардушт каъбаси”га (милодий 262 йил) битилган ёзувларда учрайди ва у вилоят номини англатади. “Чоч” ёзуви III-V асрларга оид суғд тангаларида ҳам зарб этилган. Шунингдек, илк ўрта асрлар тангалари, кумуш идиш ва Фатуфарнинг Диваштичга ёзган хатида ҳам “Чоч” топоними учрайди.

Ўрта асрларга оид манбалар, шу жумладан X-XI асрлар форсий ёзма манбаларида ҳам шаҳар номи “Чоч” шаклида берилган. Масалан, 983 йилда ёзилган “Худуд-ул-олам” номли форсий асарда Чоч катта вилоят пойтахти Бинкат ва подшоҳнинг қароргоҳи шу шаҳарда эканлиги қайд этилган. Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асаридаги “Сиёвушнинг Афросиёб билан аҳд паймон қилгани” номли қиссасида шундай сатрлар бор:

Бухорою Суғд, Самарқанду Чоч,
Сажжоб ерларини бўшатиб қийғоч,
Қўшинин Канг томон сурарди шитоб,
Паймонига содиқ шоҳ Афросиёб.

“Чоч” Тошкент шаҳри тарихидаги ёзма манбаларда акс этган илк топоним бўлиб, бугунги кунгача етиб келган ва қадимги шаҳар қолдиқларининг ўрни ҳозир Чочтепа деб аталади.

Араб манбаларида “Чоч” топоними “Шош” шаклида ифодаланган. Сабаби, араб алифбосида “Ч” ҳарфи йўқ. Масалан, Муҳаммад Жарир ат-Табарийнинг “Китоб ар-русул ва-л-мулук” (IX асрда) асарида Шош (Чоч) вилояти бир неча бор тилга олинади. Муаллиф мазкур ўлкани араблар томонидан қандай қилиб эгалланганлиги ҳақида ёзган.

IX аср ўрталаридан бошлаб ҳозирги Эски Жува, Чорсу, Хадра оралиғида янги шаҳар шаклланади ва у ёзма манбаларда “Бинкат” номи билан қайд этилган. Бинкат шаҳри Шош

вилоятининг маркази бўлганлиги юқорида айтилди. Бу сўз суғд тилида “Янги шаҳар” деган маънони англатади.

X асрнинг охирида Тошкент Қорахонийлар давлати таркибига кирган ва унга алоҳида улус мақоми берилган. Ана шу даврдан бошлаб “Тошкент” топоними муомалага кирган, яъни шаҳар шу ном билан атала бошлади. Мазкур топоним Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” (XI аср) асарида эслатилган: “Таркан – Шошнинг номидир. Аслида бу Тошканд, яъни “тош-шаҳар” демакдир”. Абу Райҳон Берунийнинг (XI аср) “Қонуни Масъудий” асарида эса шаҳар номининг бир неча шакллари қайд этилган: “Бинкат – Шошнинг маркази, туркчада Тошканд, юнончада Тош қалъа”.

XVI аср муаллифларидан Фазлуллоҳ ибн Рўзбихоннинг “Меҳмонномаи Бухоро” асарида эса шаҳар номи “Тошканд” ва Тошкент билан унга ёндош ерлар биргаликда “Шош вилояти” деб аталган. Араб тилида ёзилган яна бир асар, яъни Жамолиддин Қаршининг “Мулҳақат ас-суруҳ” (XIII аср)да шаҳар “Шош шаҳри” деб аталган.

XVII асрда яшаб ижод этган тарихчи Маҳмуд ибн Валийнинг “Баҳр ал-асрор” асарида фақат шаҳар номи берилган холос, бироқ унинг уч хил шакли келтирилган: “Шош – Туркистонга тегишли, Сайхун дарёсининг нариги томонидаги шаҳар; 5-чи ва 6-чи иқлимларда жойлашган. Уни Чоч деб ҳам аташади, бироқ ҳозир унинг номи – Тошкент”.

Умуман олганда, XVI аср охири ва XVII аср бошларида Тошкентнинг Чоч, Шош, Бинкат каби қадимий номлари аҳоли ўртасида муомаладан чиқиб, унинг сўнгги атамаси, яъни “Тошкент” шакли шуҳрат топа бошлаган.

XVIII-XXI асрларда шаҳар номи “Тошкент” деб аталади, шунингдек, русийзабон адабиётларда у “Ташкент”, кўплаб хорижий нашрларда – “Tashkent” шакли билан машҳур.

Тошкентнинг узоқ тарихий шаклланиши мобайнида унинг ҳудудида турли даврларга мансуб жой номлари пайдо бўлган. Ушбу топонимлар тилшунослик ва тарихий даврлар нуқтаи назаридан алоҳида гуруҳларни ташкил этади. Масалан, суғдий, туркий, форс-араб, ўзбек, рус тилига мансуб топонимлар. Қадимги давр, ўрта асрлар, янги давр, энги янги давр топонимлари. Шаҳарда минглаб жой номлари мавжуд бўлиб, уларни даврлар бўйича тадқиқ қилиш тизимли тарзда кечади ва топонимик тадқиқотларда енгиллик яратади. Мазкур мақолада шаҳар ҳудудида янги даврда мавжуд айрим тарихий жой номлар этимологиясига доир маълумотларни келтириб ўтамыз. Тошкент шаҳри ҳудудида XIX аср охири – XX аср бошларида мавжуд топонимларнинг таркиби ва маъносига кўра шаҳарнинг ўша даврдаги умумий тарихий-топонимик киёфасини яратиш мумкин. Маълумки, мазкур даврда Тошкент Туркистон генерал-губернаторлигининг маркази бўлган, ҳудудий жиҳатдан анча кенгайиб, аҳолиси ҳам кўчиб келганлар ҳисобига

кескин кўпайган. Ушбу жараёнлар шаҳар ҳудудида турли маъмурий бўлинмалар, кўчалар, иншоотларнинг ва бошқа жойларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган. Янги жойларга янги услубдаги жой номлар берилган. Натижада Тошкент ҳудудидаги топонимлар таркибида маҳаллий топонимлар билан бирга ервопача тилларга мансуб жой номлари ҳам учрайдиган бўлган. Ушбу топонимларини жойнинг тури ҳамда номнинг маъносига кўра таснифлаш мумкин. Жумладан: маъмурий бўлинишларга доир, савдо ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ, тиббий ва маданий-маърифий ва ҳ.к. объектларнинг номлари. Шунингдек, жойнинг рельефи, табиати, ундаги қурилмалар ёки қабила, уруғ, халқларнинг номланиши, маълум бир таниқли шахслар исмларидан келиб чиққан топонимлар. Ушбу топонимлар маълум тарихга эга бўлиб, тилшунослик жиҳатдан ҳам ўзига хос тузилиши, хусусиятига эга. Жой номларининг этимологик таҳлилларини батафсил ёки қисқа шаклда келтириш мумкин. Қуйида биз мақоланинг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда Тошкент шаҳридаги мазкур даврда мавжуд турли гуруҳларга оид бир нечта топонимларнинг қисқача тарихий-топонимик таҳлилини келтириб ўтамиз.

Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги топонимлар:

Анҳор канали – Бўзсувнинг чап тармоқларидан бири, узунлиги 8,7 км. Шаҳар ичида шимоли-шарқдан жануби-ғарбга қараб оқади [1]. XIX аср охири – XX аср бошларида Анҳор Тошкентнинг Эски шаҳар ва Янги шаҳар қисмлари ўртасидаги чегара вазифасини ҳам ўтаган. Унинг ўнг ва чап томонларидан бир нечта ариқ сув олган.

“Анҳор” гидроними арабча “наҳр” – “дарё” сўзининг кўпلىк шакли бўлса-да, бу ерда “катта ариқ” маъносини билдиради. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, “Анҳор” гидроними маҳаллий аҳолининг талаффузида кўпинча “ариқ”, “сой” маъноларини англатади. Анҳор шаҳардан оқиб чиққач, Бўрижар номини олган.

Бўрижар (Бўржар) ариғи – Бўзсувнинг чап тармоғи, узунлиги 5,4 км. Ҳозирда Чилонзор ва Яккасарой туманлари ҳудудидан оқади, Салор каналига қуйилади. Мазкур ариқ Анҳор ариғининг шаҳар ташқарисидаги давомидир.

“Бўрижар” гидроними тадқиқотларда ҳар хил талқин қилинган: “Бўржар” аслида “бўз (оқиш, оқимтир) ва жар” сўзларининг ўзгарган шакли [2]; бу ерда чиябўри кўп бўлганидан халқ ариқ оқиб ўтган жарни ва ариқни “Бўрижар” деб атаган [3].

Бизнингча, “Бўржар” гидронимининг этимологиясини “Бўзсув”дан олиб қараган тўғрироқ, чунки Бўрижар ариғи Бўзсув каналининг давоми ва “Бўржар” – “Бўз жар” – “Бўзсув оққан жар” иборасининг қисқарган шаклидир.

Кўкча ариғи – Кайковус ариғининг чап тармоғи, Шайхонтаҳур ва Собир Раҳимов туманлари ҳудудидан оқиб ўтади, Қорақамишга бориб қуйилади; узунлиги – 5,5 км.

“Кўкча” гидроними “кўкча” топонимидан келиб чиққан; сабаби, мазкур арик Кўкча даҳасидан оқиб ўтган. Топонимнинг этимологияси хусусида фикрлар турлича: Кўкча даҳаси дарахтзор, кўкаламзор, экинзор кўп бўлганидан шундай ном олган [2]; “кўкча” - форсча “коҳча” сўзининг талаффузда ўзгарган шакли бўлиб, “кичик қароргоҳ” – “қалъача” маъносини англатади [4]. Кўкча ариғи шу қароргоҳ ҳудудидан оқиб ўтганлиги туфайли кейинчалик бу жойнинг номини олган; “Кўкча” шахс номи сифатида XIV асрда, аниқроғи, Рашид ад-Дин Фазлуллоҳнинг “Жомеъ-ат-Таворих” асарида учрайди [5]. Муҳаммад Солиҳнинг ёзишича, “кўкча” бу туркий қабилалардан бирининг номи [6].

Лабзак ариғи – Бўзсув каналининг ўнг тармоқларидан бири, шаҳар ҳудудида шарқдан ғарбга йўналишда оқади, суви Қуйи Бўзсув ариғига қўшилади. Уzunлиги тахминан 4 км.

“Лабзак” гидроними “Лабзак” топоними билан боғлиқ. Мазкур жой номи форсча “лаб” – “бўйи”, “чеккаси” ва арабча “зах” – “нам, зах ер” – сўзларидан ташкил топган. Яъни “лабзак” сўзи “зах ер” маъносига яқин.

Бешоғоч дарвозаси – Кўкча даҳасининг жанубий қисмида. Юқорида қайд этилганидек, Муҳаммад Солиҳ бу дарвоза номини “бешоғоч” қабиласи номидан олинганини қайд этган [6]. У ҳолда мазкур топоним этнотопонимлар гуруҳига мансуб бўлади. Баъзи тадқиқотларда эса бу сўз “бешинчи манзил” маъносини англатиши ҳақида ёзилган.

Камолон дарвозаси – Бешоғоч даҳасининг жанубий қисмида бўлган. Муҳаммад Солиҳ бу топонимни Тошкентнинг Амир Темур давридаги дарвозалар рўйхатида эслатади. Муаллиф уни “Камондарон дарвозаси” деб атайди ва этимологияси хусусида сўз юритиб, дарвоза номи камондаронлардан, яъни бузуқ қабиласи номидан олинганини таъкидлайди. Ёзма манбаларда қайд этилишича [7], бузуқлар қадимги туркий қabila бўлиб, Ўғузхон авлодига мансуб. Бу ҳақда у шундай ёзади: “Ўғузхоннинг ўғиллари бир куни тўпланиб овга чиқдилар. (Улар) овда битта ёй, учта тилла ўқ топиб олдилар ва Ўғузхонга келтириб бердилар. (Подшоҳ) уччала катта ўғилларига ёйни ва кичик ўғилларига эса учта ўқни (бўлиб) берди. Катта ўғиллар ёйни уч қисмга бўлдилар. Шу сабабдан уларни бузуқ, кичик (ўғилларини эса) уч ўқ атадилар. (Шу билан бирга) бузуқларнинг ҳукми уч ўқларникига қараганда юқорироқ бўлсин, деб қарор қилдилар, чунки ўқ элчиликни ва ёй подшоҳликни англатади”.

С.Қораевнинг тахминича, “Камондарон” ёки “камонгорон” топоними “камон ясовчи усталар” маъносини билдиради [2]. Яъни “камондарон” сўзи мазкур ерда камон, ўқ тайёрлаган кишиларнинг яшаганлигидан далолат беради.

Тахтапул дарвозаси – Себзор даҳасининг шимолий қисмида жойлашган. “Тахтапул” – форсча қўшма топоним (“тахта” ва “пул”), таржимаси “ёғочкўприк” деган маънони англатади.

Қорасарой дарвозаси – Себзор даҳасининг шимолий қисмида жойлашган. “Қорасарой” – икки ўзакли қўшма этнотопоним. Аслида бу туркий сўз, қадимги туркий қабилалардан бирининг номини билдиради [2].

Маҳкама идораси Эски шаҳардаги асосий маъмурий бинолардан саналиб, Чорсу бозори ҳудудида жойлашган.

Аслида “маҳкама” сўзи иккита маънони англатиб, 1) “ҳукм қилувчи, ҳукм чиқарувчи идора, суд”; 2) умуман бошқарма, идора дегани.

Мазкур мисолда маҳкама – бу маҳаллий аҳолининг суд органи. Унда аҳоли томонидан сайланган Маҳкама ходимлари – раис, учта аъзо ва қози қабилар фаолият кўрсатганлар. Маҳкаманинг фаолияти ҳақида Дума ҳужжатларида қайд этилган: “Маҳкама – бу халқ суди демакдир” [8]. Бу маънода у доимий муассаса. Маҳкама қошида кўчманчи аҳолининг бийлар деган махсус бўлими ҳам бўлган. Мазкур бўлим фақат қирғизларнинг иши билан шуғулланган. Маҳкама маҳаллий аҳолининг ишларини шариат ва одатга асосланиб олиб борган, қирғизларникини эса, одатда, урф-одатларга кўра хал қилган... Маҳкама полиция таркибини ўзгартирмаган, бироқ судникини ўзгартирган: илгариги Тошкентда тўртта қози ва уларнинг муфтийлари бўлган – энди Маҳкамада бир қози ва уч маслаҳатчи мавжуд. Қозилар ҳам шаҳарда қолдирилди, лекин олдинги ҳукуматга эга эмас ва фақат баъзида губернатор томонидан маслаҳат учун чақирилади” [8]. Маҳкама раиси аъзолар чиқарган ҳукмларнинг тўғрилигини назорат қилиб турган. Маҳкаманинг иш тартиби мураккаб бўлмай, аҳолидан бўлган илтимослар оғзаки тарзда қабул қилинган ва муаммо бўлмаса, дарҳол хал этилган. Агар иш муҳимроқ ва мураккаб бўлса, акт тўзилиб, барча ходимлар ўз муҳрларини қўйганлар. Сўнг акт журналга (қайд дафтарига) қўчирилиб, номерланган; муҳим ишлар бўйича чиқарилган қарорлар дарҳол бажарилган. Маҳкама фаолияти 1917 йилгача давом этган.

1-Эркаклар амбулатория касалхонаси Шайхонтахур даҳасида шифокорлар К.Л.Бентовский, Д.С.Палиенко, С.Ф.Ришковский, В.В.Покровский ва бошқаларнинг ташаббуси билан ташкил қилинган. Амбулатория 1886 йили 15 майда ўз фаолиятини бошлаган. 1898 йили касалхона учун Шайхонтахур кўчасида Кож-Бакқол маҳалласида махсус уй ажратилганлиги манбаларда қайд этилган [9].

Мазкур шифохона Эски шаҳар ҳудудидаги илк очилган, фақат эркаклар учун хизмат кўрсатувчи тиббий маскан бўлгани ва бу ерда ҳам тиббий маслаҳат бериш, ҳам биринчи

тиббий ёрдам кўрсатиш, ҳам стационар даволаш қўлланилгани учун “1-Эркаклар ва амбулатория касалхонаси” деб аталган.

Шаҳар дорихонаси Чорсу бозорига яқин ҳудудда 1874 йилнинг март ойида очилган [10]. Бу ерда дорилар ночорларга бепул берилган. 1907 йилда дорихона қошида кимёвий бактериология қўмитаси ташкил қилинган. Дорихона ижарага олинган уйда жойлашган эди. 1910 йили дорихона Янги шаҳар ҳудудидаги Романовский кўчасидаги икки қаватли бинога кўчирилган. Дорихона қошида аҳолига тиббий маслаҳат берувчи ҳодимлар ҳам хизмат қилганлар.

Мазкур дорихона Тошкент шаҳрида илк бор очилган, шаҳарнинг иккала қисми учун хизмат кўрсатган дори сотиш ва тарқатиш муассасаси бўлгани учун “Шаҳар дорихонаси” деб аталган.

Тошкентнинг Янги шаҳар қисмидаги топонимлар:

Лагерний шоҳкўчаси (Лагерний проспект; ҳозирги Пушкин кўчаси) XIX аср охирларида қурилган. Янги шаҳардан русларнинг шаҳар ташқарисидаги (шарқий томонда) ёзги ҳарбий лагерларига олиб боровчи йўл ўрнида вужудга келганлиги сабабли “Лагерний проспект” деб аталган. Хусусан, бу йўл орқали Салорнинг чап соҳилида жойлашган ҳарбий губернатор дала ҳовлисига, 5-Оренбург қозоқ полки, 1- ва 9-линия батальонларига чиқиш мумкин бўлган.

1897 йили Лагерний шоҳкўчасида Сергей ибодатхонаси қурилган [11], 1903 йили конка ўтган, 1913 йилда эса бу кўчага трамвай йўли ўтказилган [12]. Бу кўчада, шунингдек, китоб склади, Жуковский кўчаси билан кесишган жойда Берсон типографияси, Янги почта биноси, Куропаткин кўчаси билан кесишган ерида “Ф.Каплан и С-я” фирмасининг Савдо уйи бўлган [13].

1899 йили машҳур рус шоири А.С.Пушкин таваллуд топганига юз йил тўлгани шарафига Лагерний шоҳкўчасига Пушкин номи берилган.

Ўрда бозори (Урдинский базар) Ўрда қалъасидан Тошкентга кириш йўлида жойлашган (ҳозирги Ўрда атрофлари). 1871 йили “сартлар бозорчаси” янги жойга кўчирилганидан вужудга келган. Мазкур ҳудуд Ўрда, Қашғар ва рус кварталлари, яъни Эски шаҳар ва Янги шаҳар қисмлари ўртасида, Шибли ариғининг иккала томонидаги ерларни ўз ичига олган. Дастлабки икки йил давомида бозорда савдо қилувчилар, эски Ўрда бозоридан кўчирилганда расталари бузилиб кетгани ҳисобига, барча тўловлардан озод қилинганлар [14]. Ўрда бозорида кўпроқ озиқ-овқат маҳсулотлари (сут ва сут маҳсулотлари билан машҳур бўлган), шунингдек кийим-кечак ҳам сотилган.

Бозорнинг Ўрда қалъасига яқин ҳудудда жойлашгани сабабли Ўрда бозори деб аталган.

Давлат банкининг Тошкент бўлими (Ташкентское отделение Государственного Банка) 1875 йилда очилган, 90-йилларгача Туркистон ўлкасидаги ягона банк саналган. Бу даврга келиб Давлат банкининг Самарқанд, Қўқон, Бухоро, Ашхободдаги бўлимлари очилган. Россия империяси Давлат банкининг Тошкентда очилган бир бўлими сифатида фаолият кўрсатгани учун шундай номланган. Дастлаб Москва ва империянинг бошқа шаҳарларидан юборилган векселлардан маблағ олган, бироқ 1895 йилга келиб Туркистон ўлкасининг ўзидан йиғилган векселлар 1,6 млн., 1907 йили эса Тошкентнинг ўзида 5 млн. бўлган. 25 йил давомида банк операциялари обороти йилига 34 млн.га етган [15].

Тошкентдаги “Ёрдам” мусулмон жамияти (Мусульманское общество “Помощь” в Ташкенте) 1909 йили 12 майда Тошкентда тузилган. Мазкур жамият Тошкентда мусулмон кишилар томонидан тузилгани ва мухтож инсонларга турли ёрдам кўрсатиш билан шуғуллангани сабабли шундай аталган. Унинг мақсади Сирдарё вилояти ҳудудидаги ночор мусулмон кишиларнинг маънавий ва моддий аҳволини яхшилаш учун хизмат қилиш бўлган. Бу борада жамият томонидан етимхоналар, ночор қария, етим, ногиронлар учун шифохоналар очиш, тунайдиган жойлар қуриб бериш, шунингдек, ўрта ва олий ўқув юртларида таълим олишни давом эттираётган талабаларша стипендиялар таъсис этиш ишларини амалга оширган. Унга фақат эркаklar аъзо бўлган, исломдан бошқа динидагилар ҳам киритилган. Жамият “Тошкентдаги “Ёрдам” мусулмон жамияти” деб ёзилган муҳрига эга эди. Бошқарув ишларини Умумий Мажлис ва Жамият Кенгаши юритган. Жамият ташаббускорлари Тошхўжа Туёқбоев, Низомқори Мулла Хусаинов, Мулла Абдулла Авлоний, Мунавварқори Абдурашидхонов, Баширулла Асадуллахўжаевлар бўлганлар [16].

Қўйлик шохкўчаси (Куйлукский проспект). Қўйлик шохкўчаси шаҳар марказидан бошланиб то шаҳар ташқарисида, жанубда жойлашган Қўйлик қишлоғига давом этарди. Ҳозирги кунда бу йўл Оҳунбобоев ва Фарғона йўли кўчаларига, Қўйлик қишлоғи эса Тошкент ҳудудидаги Қўйлик мавзесига тўғри келади. Бу ерларнинг “Қўйлик” деб номланиши ҳақида, асосан учта фикр мавжуд [17]. Аҳоли ўртасида авваллари бу ерларда қўй бозори бўлган, шу сабабли ҳам “қўйлик” деб аталади, каби фикр кенг тарқалган бўлса, баъзилар бу ерда сув қуйилиш жойи бўлган, шунинг учун “қўйлик” – бу “сув тўпланиши, кўлланиши жойи”, деб изоҳ берадилар. Бироқ, фанда яна бир фикр мавжуд бўлиб, “қўйлик” сўзи антропотопоним экани таъкидланади. Аниқроғи мазкур ҳудудда XIV асрда таниқли шахс Қўйлик ота яшаб ўтган, бу ерда, ҳатто, унинг қабристони ҳам мавжуд. Шу

боис ушбу жойлар унинг номи билан аталган экан. Бу фикр илмий асосланган ва ҳақиқатга яқин саналади.

Хулоса. Тошкент шаҳри жой номлари этимологиясини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлардан маълум бўладики, шаҳар ҳудудида қадимги даврлардан бошлаб то ҳозирги замонгача турли жой номлар шаклланиб келган ва бу жараён давом этмоқда. Жой номлар турли омиллар таъсирида шаклланган ва аввало улар тилшунослик нуқтаи назаридан фарқланса, иккинчи навбатда семантик жиҳатдан, яъни маъносига кўра фарқланади, учинчидан улар объектнинг турига кўра ҳам турлича бўлиши кузатилади. Топонимларни тарихини ёритишда тилшунос, географ, тарихчи олимларнинг фикр-мулоҳазалари муҳим саналиб, уларни мужассамлашган ҳолда топонимист олимлар ягона хулосаларга келишлари мумкин. Топонимларнинг этимологиясини манбаларга таяниб тадқиқ қилиш талаб қилинади, зеро, улар тарихий асос сифатида анча ишончли ҳисобланади. Шунингдек, оғзаки тарих, яъни инсонлар хотиралари бўйича олинган ахборот ҳам эътиборни тортади, бироқ ундай маълумотлар ўз исботини топиши фан учун муҳим саналади. Тошкент шаҳрининг номи хусусида ягона фикрга келинмаган, лекин бу сўз “тошшаҳар” маъносини англатиши ҳақиқатга яқин. Шаҳарнинг даҳа, ариқ, дарвоза, кўчаларининг номларида табиий омил, этник гуруҳларга мансублик, ҳудудий жойлашув белгилари билан боғлиқ ҳолатлар айниқса кўп учрайди. Умуман олганда, Тошкент шаҳар топонимларини маъносини аниқлаш ёрдамида унинг табиати ва тарихий ривожланиши ҳақида қимматли маълумотлар тўпланиб, пойтахт тарихи янги манбалар асосида ёритиб борилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Холматов Қ., Баратов П. Тошкент шаҳрининг ирригация шохобчалари. – Т.: Фан, 1983. – 23–29, 33–39 б.
2. Қораев С. Географик номларнинг маъносини биласизми? – Т.: Ўзбекистон, 1970. – 67 б.
3. Каримова Л. Ўзбек тилида топонимларнинг ўрганилиши. – Т.: Фан, 1982. – 91 б.
4. Муҳаммаджонов А. Қадимги Тошкент. – Т.: Шарқ, 2002. – 24 б.
5. Рашид ад-Дин. Сборник летописей. – пер.с персидского О.И.Смирновой. Прим.Б.И.Панкратова и О.И.Смирновой. Ред.А.А.Семенова. – М.-Л., 1952. Т.1. Кн.2. С.74.
6. Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солиҳ тавсифида. – Т.: Фан, 1983. – 19 б.

7. Амир Темур аждодлари /Форс тилидан таржима, кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи Омонулла Бўриев. – Тошкент, 1992. – 13 б.
8. Туркестанский Сборник. Сост.В.И.Межовым. – СПб., 1869.Т.Х.. С.259–261.
9. Ўзбекистон Миллий архиви (ЎзМА). И-718-жамғарма, 1-рўйхат, 44-хужжат, 449–449-орқа-варақлар.
10. ЎзМА. И-37-жамғарма, 2-рўйхат, 42-хужжат, 97–123-варақлар.
11. План Русской части г.Ташкента 1890 года.
Тошкент. Энциклопедия. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1992. – 242-243 б.
12. Тошкент. Энциклопедия. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1992. – 242-243 б.
13. ЎзМА. 37-И-жамғарма, 1-рўйхат, 456-хужжат, 90-варақ.
14. ЎзМА. И-17-жамғарма. 1-рўйхат, 18105-хужжат, 2-3-орқа, 7-варақлар.
15. Лаврентьев В. Капитализм в Туркестане. – Ленинград, 1930. – с.76, 77.
16. ЎзМа. И-36-жамғарма, 1-рўйхат, 6455-хужжат, 121-варақ.
17. Бўриева Х. Тошкент шаҳрининг тарихий топонимияси (XIX аср охири – XX аср бошлари). Тарих фанлари номзоди илм.дар.ол.учун ёзилг.дисс. – Тошкент, 2007. – Иловалар, 120 б